ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ТАРҒИБОТИДА ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

ЎзМУ. Биология факультети
катта ўқитувчиси Парманова Н.А.

This article argues that the basis for promoting environmental culture depends on education and training. The role of education in the formation of environmental education is emphasized.

В данной статье утверждается, что основа продвижения экологической культуры зависит от образования и обучения. Подчеркнута роль образования в формировании экологического образования.

Калит сўзлар: экология, экологик маданият, экологик таълим, тарғибот.

Ключевые слова: экология, экологическая культура, экологическое образование, пропаганда.

Мустақил Ўзбекистонда дастлабки йилларданоқ экологик маданиятни таъминлаш ва ҳимоялаш, тарбиялаш ва шакллантиришнинг **ҳуқуқий асослари** яратилди. Эндиги асосий масала, **Экологик маданиятни** - тарғиб ва ташвиқот қилиш зарурияти пайдо бўлди. Бусиз экологик маданият, масъулият ва жавобгарлик каби муҳим омилларни шакллантириш мумкин эмас. Жумладан, бизнинг жамиятимиз учун ҳам ушбу масала ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Экологик таълим — таълимнинг бир қисмигина эмас, балки унинг янги шакли маъносидир. Шахсни шакллантириш маъносидаги таълим аввало дунёқарашни қарор топтиришдан иборатдир, ҳозирги давр эса дунёқарашни экологиялаштиришни талаб қилади. [124]Агар дунёқараш инсоннинг дунёга, ўзига ва ўзининг атроф муҳит билан муносабатларига қарашли бўлса, эндиги дунёқараш инсоннинг, атроф дунёнинг, бир сўз билан айтганда “олам-инсон” тизиминингяхлитлигини тушуниш йўналишида қайта кўриб чикишни талаб қилади. Таълим ва тарбияни экологиялаштириш инсонда оламнинг бирлиги ва инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларининг, инсонда фикрлашнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг умумий жиҳатдан қараганда инсон ва жамият табиатнинг яхлит тизимидаги кичик бир тизимлигини, яъни мавжудлик бу

кичик тизимлар яхлит тизимга қанчалик уйғун сингиб боришига боғликлигини тушунишдан иборат бўлган эканлигини ифода эттирувчи онгни шакллантиришни ўз ичига олади[125].

Экологик таълим ва тарбия мақсадларини қуйидагича таърифлаш мумкин: инсон ўзининг ботиний ва атроф табиий муҳитни тушунишни, назорат қилишни, шакллантиришни, бойитиб бориш сақлаб қолишни ўрганиши керак.

Шахсга ривожланишнинг турли ёш босқичларида мактабгача муассасаларда, умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида, мехнат жамоаларида узлуксиз таълим ва тарбия бериш жараёнида ҳал этиш керак бўлган вазифалар айни шу мақсаддан келаб чиқаверади.

Шахс болалигида ва илк ёшлигида асосан оилада, мактабгача муассасаларда ва мактабда шакллантирилади. Фикримизча экологик руҳ ва маданиятни оилада, мактабгача Муассасаларда, мактабларда олиб боришни куйидаги йўналишларда ташкил этиш максадга мувофик:

- болаларда, ёшидан қатъий назар табиат билан мувофиқ бўлиш руҳини мунтазам тарбиялаб бориш, уларга табиат ва инсон бир оламнинг таркибий қисмлари эканлиги тўғрисидаги ғоя-фикрларни, тасаввурларни энг содда мисоллар асосида, атроф муҳит бағрида тарбиялаб бориш;

- 6-7 ёшли болаларда табиатдан фойдаланиш, оламни табиий гўзаллиги, табиат инъоми ҳакида билимлар бериш, уни онгига бошланғич экологик тассавурларни ва тафаккурни сингдириш;

---

[124] Абдуллаев З. Экологические отношения и экологическое сознание. — Ташкент: Фан, 1990. — С. 17-41.
[125] Абдуллаев З. Экологические отношения и экологическое сознание. — Ташкент: Фан, 1990. — С. 17-41.

- мактаб ёшигача бўлган болаларда экологик маданиятни “Ичимлик суви”, “Уйимиздаги ёруғлик”, “Уй хўжалиги чиқиндилари”, “Менинг ҳовлим”, “Мен севган жой” каби мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказиш орқали тарбиялаш мумкин;

- ўсмирларни табиат билан муносабат маданияти кўрсаткичларини аниклаш учун юкоридаги тарбиявий компонентлар етарли бўлмайди, уларга табиат бу инсон ҳаётини таъминловчи битмас-туганмас манба, абадий қадрият, унга инсонийлик муносабатида бўлиш хар бир шахснинг мукаддас бурчи ва бошқа кўплаб фалсафий масалалар билан ёндошиш, шу асосда экологик маданиятни шакллантириш зарур бўлади;

- мактабгача ёшдаги болалар учун “Еш эколог” бурчаги ёки кўргазмани ташкил этиш, унда жонли ва видеотелевидение суҳбатлари олиб бориш, мактаб ўувчилари учун “Ўзим учун оламни кашф этаман”, “Экология ва маданият”, “Мен ва табиат”, “Тоза экологик муҳит” ва бошқа шу каби дастурларини амалга ошириш ва уларда экологик маданиятни тарбияланишига фаол таъсир этиш мумкин.

Юқоридагилардан ташкари экологик тарбиянинг қатор таркибий қисмлари бу жараёнда фаол қатнашади. Чунки бу жараённинг вазифалари ва услублари ёш хусусиятларига ҳамда тарбиявий таъсир кўрсатиш муҳитига кўра фарқланади.

Шахсни тегишли равишда экологик билими ва маданиятини шакллантириш орқалигина жамиятни ўзини-ўзи қўллаб-қувватлайдиган даражада барқарор ривожлантириш мумкин. Бу жараён экологик жиҳатдан барқарор келажакни таъминлаш учун анъанавий қадриятларни қайта англаш, одат тусига кириб келган турмуш тарзидан воз кечишни талаб этади.

Ёш авлодда экологик тарбияни йўлга қўйиш ва унда кутилган самарага эришиш педагогик талаблар, коидалар, усулларисиз мумкин эмаслиги мавзудан аён. Педагогик жараён исталган натижани — шахсга ўз ичида ва атроф дунё билан уйғун муносабатлар ўрнатиш учун зарур бўлган хислатлар тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган мақсадларни назарда тутади. Шу маънода экологик таълим ва тарбия тизимни таркиб топтирувчи аҳамият касб этади2. Экологик бўҳроннинг туб сабаблари жамиятнинг техник-технологик жиҳатдан гуркираб ривожланишида бўлса, айни бир вақтда бу шиддатли жараёнда шахснинг ўзини инқирозида яширинган. дунёни ўзгартириш, инсоннинг табиатдан устунлиги ғояси ўтмишда инсонни яшаши учун қулай шароит яратишда бошлангич нуқта бўлиб, буюк роль ўйнайди. Технологиялар муайян даражада мураккаб табиат тизимларини, биринчи навбатда, энг мураккаб табиий мавжудот сифатида инсон ва жамиятнинг омон қолишини гумон остида қолдирган табиий жараёнларга бу қадар чуқур кириб бормагунича у максадга мувофиқ бўлганди[126]. Аммо, инсоният ҳаётининг ҳозирги босқичида эса вазият бутунлай бошқача, инсонни ўзидан-ўзини тубдан ўзгартиришни талаб қилмокда.

Гап инсон фаолиятининг асосий йўналишини алмаштириш ёки биронта янги нарсани тайёрлаш эмас, балки жамият ва табиатнинг заро муносабатларида уйғунликни тиклаш ва сақлаб қолиш каби ҳаётий муаммо ҳакида бормокда. Муаммо ечимининг биринчи шарти, ижтимоий-табиий муҳит билан яхлит мавжудот сифатида муносабат ўрнатадиган яхлит шахс бўлмоғи лоэим”[127]. Ғоят теран фалсафий фикр. Табиат билан мувофиқлашган ўзаро таъсирда ҳамда атроф муҳитга авайлаб муносабатда бўлиш, шунингдек инсоннинг ўз ички дунёсини такомиллаштириш оркали бунга эришиш мумкин. Инсон оламнинг чексиз равишда кўп алоқалар билан боғланган таркибий қисми бўлиб, ундан ажралса ёки боғликлик бузилса, инсон ва жамият инкирозга ва хатто ҳалокатга учраши мумкин. Буни оқилона-ҳиссий тушунишни қарор топтириш инсоннинг табиат билан уйғун муносабатини ҳаёт окимидаги муваққат ва безовчи жиҳат сифатидагина эмас, балки инсонга хос табиий анъанавий уйғунликни сақлаб қолиш учун ҳам, янги уйғунликни яратиш учун ҳам тўла-тўкис имкониятга эга бўлган ўзига-ўзи етарли яхлит тузилма сифатида қарор топтириш имконини берадиган ягона восита сифатида идрок этмоқ керак.

---

[126] Карлов Ю.С. Личность в системе «природа — общество — М., 1996, — С. 37.

[127] Чориев С. Экологик сиёсат ва шахс баркамоллиги / Экологический вестник. — 1999. — № 1-2. - С. 9. 2

Хуллас, сўнгги пайтда умумтаълим, ўрта махсус ва олий мактаблар экологик таълим ва тарбияни такомиллаштиришга муайян куч-ғайрат сарфлашмокда. Бироқ бу фаолият ҳали бир тизимга тушмаган. Агар экологик таълимда жиддий силжишлар бўлган бўлса, яъни экология бўйича умумий махсус курслар киритилаётган бўлса, экологик тарбия ҳозирча тарбиявий ишнинг устувор жиҳатига айланмади — биринчи ўринда аҳлоқий, эстетик, ҳуқуқий, меҳнат тарбияси ва ҳоказолар турибди. Экологик тарбия эса, қоида тарзида, бу қаторнинг энг охиридан жой олган. Ўқувчиларнинг жамият олдида турган ижтимоий ва иқтисодий экологик муаммоларни маҳаллий, миллий ва глобал даражада ечимини топишга тайёрлаш таълимнинг энг нуфузли вазифаси бўлмоғи керак. Таълим тизимига бундай ёндошиш ёшларда уларнинг экологик муаммоларидан бегоналашув хафини олидини олишга имкон яратади. Айни вақтда билим ва фаолият амалиёт билан мустаҳкамланиши зарур, шунда кўникмалар ва шахсий тажриба шаклланади. Айни маҳалда, ҳозирги жамиятда экологик маданият деярли марказий ўринни эгаллаб, инсон ва жамият дунёқарашини экологиялаштириш воситасида маданият элементларини бутун тизимига таъсир этиши лозимлигини кўрдик. Жамият илғорликка ҳамда замонавийликка давогар бўлса, у экологик таълим-тарбияга янада кўпроқ эътибор бериши лозим.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Махкамов, Ш. (2023). Теоретические основы базы данных (мб) и системы управления базами данных (мббт). Информатика и инженерные технологии, 1(1), 90-94.
2. Аликулов, С. Т., & Махкамов, Ш. С. (2018). Дидактическая компетентность педагога. In Развитие интеллектуально-творческого потенциала молодежи: из прошлого в современность (pp. 150-152).
3. Махкамов, Ш. (2024). Davlat boshqaruv tizimining vujudga kelishi hamda davlat va uning moxiyati. Новый Узбекистан: наука, образование и инновации, 1(1), 379-382.
4. Norqo‘ziyev, Q., Aynakulov, T., Mahkamov, S., & Sodiqov, D. (2024). IMPLEMENTING MOBILE ROBOT WALKING PATH CONTROL AND TRACKING IN C# WINDOWS FORM APPLICATION. International Journal of scientific and Applied Research, 1(3), 95-99.
5. Mahkamov, S., Aynakulov, T., & Baratov, J. (2024). ANDROIDDA MODEL VIEW PRESENTER (MVP) ARXITEKTURASI. International Journal of scientific and Applied Research, 1(3), 199-202.